



## Президент ташрифидан сўнг

# БЕКТЕМИРЛИКЛАР: “НАВРЎЗ БУНЁДКОРЛИКЛАР БИЛАН ҲАМОҲАНГ КИРИБ КЕЛДИ”

Кўклам арафаси дарахтлар оппоқ либос кийганини, табиат замин юзига ям-яшил гилам ёйганини, аввало, кўнгли хотиржам, тинч-тотув ҳаёт кечираётганлар пайқайди. Ҳаёт ташвишлари қалбини қалин қордек қоплаган, юрти, яшаш жойи нотинчлар учун тўрт фасл ҳам бир хил туюлади. Шунинг учун баҳор кўнгиллардан бошланади, дея шеърлар битади қалам аҳли.



Наврўз — янги кун, янгилиниш байрами шукуҳини ҳис қилиш учун эса инсон, биринчи навбатда, ҳаётидаги фаровонлик, кундалик турмушдаги янгилиниш, кўча-кўй, маҳалласидаги бунёдкорлик, туб ислохотлар ва ўзгаришларни сезиши керак. Давлатимиз раҳбари ҳам баҳор фасли, улуг айём кунлари завқини кўриш, юртимиздаги бунёдкорликлар янгилиниш фасли билан нечоғлиқ уйғунлашаётганини билиш мақсадида байрам арафасида Бектемир туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан дилдан суҳбат қурди.

▶ Давоми 3-бетда

## Янги Ўзбекистон руҳи

Баҳор юртимизга ўзгача файзу шукуҳ, тароват билан кириб келди. Табиат бутун меҳри, سخоватини намоен этди, дарахтлар қийғос гуллаб, боғларга, кўчаларга, хиёбонларга кўчатлар экилди, маҳаллаларимизда баҳорий кайфият, нафосат ҳукмрон. Дехқонларимиз аллақачон 2025 йил ҳосили учун камарбаста бўлиб, ёппасига экин парваришига киришгани эртанги бахтли, фаровон ҳаётимизга катта умид, ишонч уйғотади.

# БУ БАҲОРНИ УНУТИБ БЎЛМАС

Ҳа, мутафаккирлардан бири айтганидек, “Қишни ягона орзу — баҳор, Наврўзга эсон-омон етиб олиш билан ўтказамиз. Баҳор фасли келиши билан қалбимизда юзлаб, минглаб орзу пайдо бўлади”. Халқимизнинг азалдан энг асосий орзуси тинчлик, хотиржамлик бўлиб келган. Янги Ўзбекистонимиздаги барқарорликни абадий қарор топтириш, келажак авлодга обод, озов ва ривожланган мамлакат қолдириш давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади дидир.

Минг афсуски, бугун сайёрамизнинг турли гўшаларида ҳарбий тўқнашувлар, ирқий-диний қарама-қаршиликлар давом этмоқда. Натижада минглаб беғуноҳлар қурбон бўлмоқда, яна минглаб одамлар ўз уйини, ватанини тарк этиб, ғарибликка юз тутмоқда. Шундай лавҳаларни, манзараларни телевидение, ижтимоий

тармоқларда кўрганда буюк мутафаккир Шайх Саъдийнинг қуйидаги ҳикмати ёдимизга келади: “Бани одам азалдан бир гавҳардан яратилгани боис, яхлиг бир вужуд-дир. Бинобарин, замона зайли унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз соғлигини (тинчлигини) йўқотади”.

Беадад шукр, бугун нафақат Ўзбекистонимиз, балки минтақамизда тинчлик, давлатлар ўртасида ишончли дўстлик ҳукм сурмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги янги сиёсий вазият, яъни яхши қўшничилик муҳитини яратишда Президентимизнинг ҳарбий тўқнашувлар, ирқий-диний қарама-қаршиликлар давом этмоқда. Натижада минглаб беғуноҳлар қурбон бўлмоқда, яна минглаб одамлар ўз уйини, ватанини тарк этиб, ғарибликка юз тутмоқда. Шундай лавҳаларни, манзараларни телевидение, ижтимоий

▶ Давоми 3-бетда

## Кун мавзуси

# ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ



## БИРИНЧИ МАВСУМ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Сўнгги ҳафтalarda юртдошларимиз орасида муҳокамалар марказига энг кўп чиққан мавзулардан бири “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида овоз бериш жараёнлари бўлди. Лойиҳанинг жорий йил 11-20 март кунлари давом этган биринчи мавсуми овоз бериш босқичида кимлардир бевосита иштирокчи сифатида ўз лойиҳасига овоз беришга тарғибот қилган бўлса, бошқалар қизғин кечган ушбу жараённинг фаол кузатувчисига айланди.

Ҳамкасбларимиздан бири бу гал ҳам овозини ўзи таҳсил олган мактаб таъмири лойиҳасига берганини айтди. Бир неча йилдан буён илгари сурилаётган ушбу таклиф ғолиб бўлиши учун ҳар гал етарли овоз тўпланмаган. Бу сафар ҳудуд аҳли астойдил ҳаракат қилаётганини гапирганди. Шу йилнинг 21 март санаси — Наврўз умумхалқ

байрамида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи мавсум ғолиблари рўйхати эълон қилинди. Дарҳол ҳамкасбим билан боғланиб, натижани сўрадим. Айтишича, улар овоз берган лойиҳа ниҳоят ғолиб бўлиб, ҳудуд аҳли буни катта хурсандчилик билан байрам қилляпти.

▶ Давоми 4-бетда

## Худудлар ҳаёти

Кейинги йилларда қадимдан ватан ичра ватан бўлиб келган маҳалла ўзини ўзи бошқарув тизимининг ноёб халқона шаклига айланмоқда. Бу ўзгаришлар маҳаллаларнинг обод ва кўркамлигида, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишида намоен бўляпти. Яқинда божхона тизимидан нафақага чиққан қишлоқдошим телефон қилди.

# ЯНГИ ДИЁР МАҲАЛЛАСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ТУГАТИШМОҚЧИ



— Хабаринг бор, нафақага чиқсам, қишлоқда яшайман деган орзум бор эди, янги жойга кўчдим, — деди у салом-алиқдан сўнг. — Меҳнат фаолиятим давомида иш жойим неча марта ўзгарган бўлса, оилам ҳам шунча кўчиб-қўнди. Бошқа жойга кўчиб келган одам янги манзилга мослашгунча қийналади, ўзини бегонадек ҳис қилади. Аммо ҳозир кўчиб келган маҳалламда ўзимда ҳам, оиламда ҳам бундай бўлмади.

Бунга, аввало, қўшниларим, айниқса, маҳалла фаолларининг бизни илиқ қаршилагани, кўрсатган меҳри сабаб. Туман марказидан олисроқда бўлса ҳам обод, энг муҳими, жуда аҳил маҳалла экан. Келиб, шу ҳақда бирор нарса ёксан дегандим...

Ушбу суҳбат сабаб бўлиб, Шароф Рашидов туманидаги Янги диёр маҳалласига йўл олдим.

▶ Давоми 4-бетда

## Коррупция — жамият танасидаги саратон

# СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президентимиз жорий йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги нутқидан коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини, унинг олдини олиш давлат хизматида профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланишини таъкидлади.



Дарҳақиқат, коррупция иллоти жамият тараққийнинг муҳим омиллари бўлмиш тинчлик, оқилоллик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларга салбий таъсир ўтказиши, миллий ҳавфсизликка таҳдид солади, мамлакат ривожига тўсиқ бўлади. Шунинг учун коррупция-

га қарши курашишда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш, яъни унинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар вақт ва натижадорлик нуқтани назардан анча самарали ҳисобланади.

▶ Давоми 2-бетда

## Муносабат

Умримнинг саксон бешинчи баҳорини қаршиляпман. Ижодий фаолиятимга эса 60 йилдан ошди. Шу вақт мобайнида она ватаним, халқим олдидаги бурчимни виждонан адо этишга, садоқатимни бадий асарларим, китобларим орқали кўрсатишга ҳаракат қилиб келяпман.

# ЧИН ДЎСТ КИТОБ СОВҒА ҚИЛАДИ

Мактабда ўқитувчилик қилдим, олий таълим муассасасида талабаларга дарс бердим. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига эришдим. Шу аснода бадий ижодни бир зум четга сурмадим. Ҳалол меҳнат қадр топадиган юртимизда ижодкорларга қаратайлаётган эътибор, берилаётган рағбат бугун кўпчилиكنинг ҳавасини келтираёттир. Шоир, маънавият тарғиботчиси сифатида одамлар орасида кўпроқ бўлишга интиламан. Учрашувлар, мулоқотларда юртдошларимизнинг ўй-хаёллари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқаман. Мамлакатимиздаги ислохотларга муносабатини кузатаман. Уларнинг бугундан рози, эртасидан кўнгли тўқ эканини кўриб қувонаман.

▶ Давоми 2-бетда



## Заррабин

# МАҚОМНИ НЕГА ЎРГАНИШИМИЗ КЕРАК?

## ОҲАНГЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН ЎЗЛИГИМИЗ СИРИ

КОРРУПЦИЯ — жамият танасидаги саратон

СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ, Судьялар олий кенгаши ҳузурдаги Судьялар олий мактаби директори, юридик фанлар номзоди, доцент

Бошланиши 1-бетда

“Ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш барча давлат тузилмалари фаолияти, шу жумладан, суд тизимида ҳам коррупцияга қарши қаратилган етарли ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш орқали унинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашишни аниқлатади.

Коррупция одил судлов сифати, фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончи ва инсон ҳуқуқларига тўғридан тўғри салбий таъсир кўрсатади. Суднинг асосий вазифаси адолатни таъминлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ижтимоий барқарорликни қарор топтиришдир. Шунинг учун одил судловни амалга оширишда коррупциянинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ички ва ташқи турларга бўлинади. Бунда асосий мезон сифатида ушбу омилларни келтириб чиқарувчи субъектлар ва суд органлари мустақиллигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар эътиборга олинади.

Ички коррупциявий омиллар деганда, судларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича суд раислари, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг

судьялар корпусини шакллантириш, судья ва суд ходимлари фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш, уларни рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш каби масалалардаги суниестемолликлар, ноҳолис ёндашувлар, ҳуқуққа хилоф турли хатти-ҳаракатларнинг вужудга келишига замин яратувчи ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа характердаги ҳолатлар тушунилади.

Ташқи коррупциявий омилларга эса давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан одил судловни амалга оширишга аралашуш, унга тўсқинлик қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигига таъвоуз қилишга қаратилган, қонунга хилоф ҳаракатларни амалга оширишга имконият туғдирувчи ҳолатларни киритиш мумкин.

Демак, суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хавф солувчи, судлар мустақиллигига салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), ҳолатлар, жараёнлардир.

Коррупцияга чек қўйиш мавжуд коррупция омиллари ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни йўқотиш, уларга нисбатан қатъий чоралар қўриш, такрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда салбий оқибатлари билан курашишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар мажмуи. Суд тизимида коррупцияга чек қўйиш бўйича чора-тадбирларни ҳуқуқий ва ташкилий турларга ажратиш мумкин.

Коррупциянинг олдини олиш деганда, коррупциявий омилларни аниқлаш, чеклаш ёки бартараф этиш, коррупционерлар шахсияти, ижтимоий ҳавфи, шунингдек, коррупциянинг айрим турлари ва шакллариининг пайдо бўлиш ҳамда тарқалиш омилларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.



Коррупция одил судлов сифати, фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончи ва инсон ҳуқуқларига тўғридан тўғри салбий таъсир кўрсатади. Суднинг асосий вазифаси адолатни таъминлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ижтимоий барқарорликни қарор топтиришдир. Шунинг учун одил судловни амалга оширишда коррупциянинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.



БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида ҳар бир давлат коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиётни ўрнатишга ва уни рағбатлантиришга ҳаракат қилиши, бу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича махсус орган ёки муайян ҳолларда бир неча органлар фаолият кўрсатишини таъминлаш белгиланган.

Мазкур конвенцияда ишгирикчи давлатлар одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилишни назарда тутувчи ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича чоралар қўриши қайд этилган.

Шу нуқтаи назардан, судлар ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига аралашганлик, судга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик, судья ва халқ маслаҳатчиси дахлсизлигини бузганлик, инсинг ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилганлик ёки турли

шаклда таъсир ўтказганлик учун тегишли юридик жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш давр талаби ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда молиявий ҳисобдорлик муҳим роль ўйнайди.

Конвенцияда ҳар бир ишгирикчи давлат оммавий мансабдор шахсларнинг тегишли органларга хизматдан ташқари фаолияти, машғулотлари, инвестициялари, активлари ва вазифалари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқishi мумкин бўлган бошқа даромадлари ва ҳаётлари ҳақида декларация тақдим этиш шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиши қайд этилган.

Нидерландия, Хитой, Сингапур каби давлатлар таърибасини эътиборга олган ҳолда судьялар томонидан ўзи, турмуш ўртоғи ва воғга етмаган фарзандларининг мол-мулки ва мулкий мажбуриятлари ҳақида декларация тақдим этиш шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиш қайд этилади.

Судлар фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш суд тизимида коррупцияга

қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Бунда одил судловни амалга ошириш, судьялар корпусини шакллантириш, судлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, судларни молиялаштириш, судьялар фаолиятини баҳолаш, уларни бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимларига таъвсия этиш, уларни юридик жавобгарликка тортиш, рағбатлантириш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали шаффофликка эришиш имкониятидан фойдаланиш талаб этилади.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ақсарият ҳолларда судьялар ва суд ходимларининг маънавий қиёфаси, яъни таълими, тарбияси, ҳалоллиги, виждонлигига боғлиқ. Шунга қўра, ушбу тизимга мазкур талабларга жавоб берадиган халол ва масъулиятли кадрларни тайинлаш судьялар ҳамжамияти органларининг зиммасидаги биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Шу боис, судьяликка номзодларнинг ушбу талабларга жавоб беришини аниқловчи самарали механизмлар қонунчиликда назарда тутилган бўлиши зарур.

Бу борада Германияда номзодлар психологик ва психосоциал таъбиргарликдан, Португалия, Бельгия, Австрия, Нидерландия, Венгрия, Руминия, Сингапурда психологик имтиҳондан ўтди. Молдова ва Қозғистонда эса номзодлар полиграфологик текширувдан ҳам ўтиши мумкин, унинг натижалари таъвсиявий характерга эга бўлади. Қирғизистонда эса судьяликка номзод қонунда белгиланган ҳужжатларга қўшимча равишда полиграфологик текширув натижаларини ҳам тақдим этиши мумкин ва У судьялар кенгаши томонидан баҳоланади.

Психологик текшириш номзоднинг коррупцияга мойиллиги, тушқунликка чидамийлиги, зиддиятсизлиги, одамлар билан ишлаш олиш қобилияти, бирор тобеллик ёки яширин руҳий ҳолати мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга асосан, судьяларнинг судьялик фаолияти даврида бенуксон обрў-эътиборга эга бўлиши, ҳалоллиги, холислиги, адолатлиги ва леақатлиги судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг бош мезонлари саналади.

Кенгаш янги ваколат муддатига тайинланган судьялик лавозимига номзодни кўриб чиқишда ушбу номзод томонидан қабул қилинган суд қарорларининг барқарорлигини, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли таърибага эга эканини, шунингдек, касбий фаолияти ҳақида жамоатчилик фикрини инобатга олади.

Коррупцияга қарши курашишининг энг самарали усулларидан яна бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантиришдир. Бунда ёш авлодининг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар онгига ҳалоллик ва поклик ҳислатларини сингдириш, коррупция иллатларининг салбий оқибатлари ҳақида аниқ тушунтиришлар бериш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишини таъминлаш ўта муҳим вазифалардан бири.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳоли, шунингдек, ўз мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар қўриши лозимлиги, таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши белгиланган.

Бу борада Судьялар олий мактабининг ҳам ўз олдидаги доимий вазифа ва мажбуриятлари бор, албатта. Давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасасини судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлайди, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаб, уларнинг малакасини оширади. Шу боис, судья, суд ходимлари ва судьяликка номзодларнинг билим ва малакаси, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимини ошириш бўйича махсус ваколатли муассаса ҳисобланади.

Муносабат

ЧИН ДЎСТ КИТОБ СОВҒА ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, қўшни давлат ва халқлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш борасидаги сиёсати мени доим илҳомлантириб келган. Шу аснода 2024 йили “Тожиқ дўстим, ўзбегингман” китоби дунёга келди. Мазкур шеърый тўппламда юртимиздаги туб ислохотлар моҳиятини жамоатчиликка етказишга, жамиятда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элг вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, миллий маданият ва аънаналарни ривожлантириш борасидаги сайй-ҳаракатларни кўрсатишга интилади.

Мамлакатимиз қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлади. Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Марказий Осиё давлатларидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Бир вақтлар қўшни давлатларга минг азобда виза олиб бориладди. Ҳозир бемалол бориб келямиз. Бу ўзгаришлар халқларимиз ўртасидаги аҳиликни мустаҳкамлади.



Хушбоқ РАҲИМОВ, шоир, маънавий тарғиботчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби

Ана шундай шуқуҳли дамларда шоир юрагида ватанга муҳаббат туйғуси янада жўш уради. У юрти, тугилиб ўсган қишлоғини қалбдан севиб, шеърый асарларида кўпроқ мадҳ этиши зарур. Президентимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиде биз — иждоқор зиёлиларга мурожаат қилиб, “Азиз дўстлар, сизлар ноёб истъодингиз, ақл-тафак-

ШУ ЁШГА ҚАДАР ИЖОДИМ ҲАҚИДА АЙТИЛГАН ОЗМИ-КЎПМИ ИЛИК ГАПЛАРНИ ЭШИТТАНМАН. ЛЕКИН БУ ЭЪТИРОФ МЕНДА ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ ВА САДОҚАТ ҲИССИНИ КАРРАСИГА ОШИРИБ ЮБОРДИ.

курингиз билан азалий қардошлигимизни, муштарак қадрият ва урф-одатларимизни, эзгу интилишларимизни тараннум этадиган асарлар яратиб, ёшларимизни айни шу руҳда тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, халқларимиз сизлардан албатта миннатдор бўлади.

Бундай баркамол иждоқ намуналари бутунги таҳликали даврда элларимиз, айниқса, ёш авлодларимизга мустаҳкам маънавий қалқон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз”, деб бежиз таъкидламади. Зотан, адабиёт дўстлик ва ҳамжиҳатлик воситасидир. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатлар етакчилари билан учрашувларда китоб совға қилиш аънанасини чин дўстлик рамзи деб ўйлайман.

Президентимизнинг шу йил 22 мартдаги тегишли фармониға биноан, “Дўстлик” ордени билан тақдирланганини кўп йиллик камтарона меҳнатларимнинг юксак эътирофи бўлди. Фармонда самарали бадий-ижодий фаолиятим билан замонавий адабиётимизни ватанпарварлик, фидойилик, инсонийликни тараннум этувчи асарлар билан бойитиш, халқимизнинг онгу тафаккури, маънавий салоҳиятини юксалтириш, фарзандларимизни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшганим урғулانгани мени кучли ҳаяжонга солди.

Шу ёшга қадар иждоқим ҳақида айтилган озми-кўпми илик гапларни эшиттман. Лекин бу эътироф менда ватан олдидаги бурч ва садоқат ҳиссини каррасига ошириб юборди.

Акс садо

ВЕНЧУР ФОНДЛАР

бизнесни ривожлантиришда МУҚОБИЛ МАНБА



Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимиз кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувда соҳанинг иқтисодийдаги ўрнини ошириш ва ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш масалаларини муҳокама қилди. Учрашувда бизнесни молиялаштиришда муқобил манба сифатида венчур фондларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди ва соҳа учун янги ташаббуслар илгари сурилди.

Сўнгги йилларда соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш, иқтисодийда давлат улушини босқичма-босқич қайтаришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар кўрилди.

Солиқ ставкалари қайтарилиши, асосис ва ноқонуний текширувларга барҳам берилиши, айрим молиявий жарималар бекор қилиниши мамлакатда тадбиркорлик муҳитининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди. Фаол ислохотлар натижасида одамлар бизнес юритишда ҳақиқий эркинликни ҳис қилибгина қолмай, ўз фаолиятида кўриб, билиб, бу орқали ишига ишончи ортиб бораётир. Натижада ушбу соҳа иш ўрни,

инвестиция, инновация, рақобат, қўшилган қиймат ва экспортни кўпайтиришга энг катта туртки бераётган йўналишга айланди. Бунинг сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сон икки карра кўпайгани, уларда 10 миллион 500 миң одам — жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзгор тейраётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда венчур фондлар иштирокида 145 миллион доллар миқдорда 53 та стартап лойиҳа амалга оширилди. 2024 йил декабрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат банклари маҳаллардаги стартап лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида венчур компаниялар тузиши ва улар орқали умумий ҳисобда 50 миллион доллар миқдорда

маблағ йўналтирилиши белгиланган эди. Шунингдек, ҳар бир банк хусусий шерик топиб, стартапларни бизнесга айлантирадиган акселераторлар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Уттан вақт мобайнида давлатга тегишли 9 та банк 3 та венчур компания очиб, 50 миллион доллар қийматидаги фонд шакллантирди. Бу бизнес бошлаётган тадбиркорлар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Ушбу ташаббус натижасида ноёб бизнес гоғларга эга, лекин етарлича маблағи бўлмаган кўп-ла ёшлар ва тадбиркорларнинг стартап лойиҳалари ҳаётга тағбиқ этилмоқда. Бунда нафақат молиявий хизмат кўрсатиш, балки лойиҳани ишлаб чиқиш, ишбилармонлик стратегиясини тўғри йўналтириш, бозорга кириб бориш каби масалаларда ҳам кўмаклашиляпти.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳалар иқтисодийта янги йўналиш, технология, инновация ва юқори қўшилган қиймат олиб киришини алоҳида қайд этиб, бу борадаги ишлар хали етарли эмаслигини таъкидлади. Венчур фондлар маблағининг бир қисмини суный интеллект лойиҳаларига йўналтириш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича венчур фондларга эътибор қаратилётгани бежиз эмас. Чунки улар янги бошланаётган стартаплар учун жуда қўл келади. Венчур фондлар стартапларга бошлангич капитални таъминлайди. Бу стартапнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган энг муҳим омил. Уларда стартаплар ўсишига ёрдам берадиган таърибали мутахассислар бор. Шу боис, бозор таҳлили, маркетинг, молиявий режалаштириш ва бошқа соҳаларда маслаҳат бериши мумкин. Бундан ташқари, венчур фондларнинг кенг алоқа тармоғи мавжуд. Улар стартапларга инвесторлар, мутахассислар ва бошқа муҳим шахсларни жалб қилишда ёрдам беради. Стартапга инвестиция киритиши венчур фондинг бошқа инвесторлар учун жозибадорлигини оширади ва стартап ривожланиши учун тўғри йўналиш ташлашда ёрдам беради.

Венчур фондларнинг яна бир муҳим жиҳати янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшишидир. Шунингдек, инновацияларни ривожлантиришга ёрдам беради. Жамиятга фойда келтирадиган янги технологияларни такомиллаштиришга имкон яратади.

Президентимиз кичик ва ўрта бизнес ривожини муҳим деб билиб, венчур фондлар бу соҳанинг муваффақияти учун катта аҳамиятга эга эканини уқтирмоқда. Зеро, венчур фондлар стартапларга нафақат пул, балки таъриба ва алоқа жиҳатидан ҳам кўмаклашиб, мустақил бизнесга айланишига ёрдам беради.

Президент таширидан сўнг

# БЕКТЕМИРЛИКЛАР: “НАВРЎ БУНЁДКОРЛИКЛАР БИЛАН ҲАМОҲАНГ КИРИБ КЕЛДИ”



Бошланиши 1-бетда

## “ЕТТИЛИК” АҲОЛИНИНГ 70 МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТЯПТИ

Зулфиқор КАБАЕВ,  
Ййота маҳалласи раиси:



— Президентимиз ташаббуси билан маҳаллада “еттилик” ташкил этилган, аҳоли ўз муаммоси билан турли ташкилотлар эшигида сарсон бўлмай, маҳалла идорасининг ўзидаёқ ечим топмоқда. Имтиёзли кредит керакми, иш керакми, ижтимоий ёрдамми, ё бўлмаса, бирор оилавий муаммоми — ҳеч ўйланиб ўтирмай, мутахассисларимизга мурожаат қилайти. Аввал маҳаллага маълумотнома берувчи ташкилот сифатида қараларди. Ҳозир одамларнинг ҳам маҳалла ҳақидаги фикри ўзгарди. Кўпчилик бирор муаммо безовта қилаётган кўни-кўшнисига ҳам, биринчи навбатда, маҳаллага боришни тавсия қилайти. “Маҳалла еттилиги” аҳолининг 70 фоиз муаммосини ҳал этипти, десак муболага бўлмайди. Аҳолини ўйлантирган масалаларнинг тез ва осон ечим топаётгани эса одамларнинг кайфияти, фаоллиги ҳам таъсир этипти. Яратилган шарт-шароит, замонавий қулайликлар, айниқса, маҳалламиз ҳудудида бунёд этилган кўп қаватли уйларда яшаётганлар ҳаётига ўзгача шуқуқ олиб кирди. Буни уларнинг ўзи давлатимиз раҳбари билан мулоқотда ҳам бот-бот таъкидлади.

Илгари кўп қаватли уйлар ўрни эътибордан четда қолган, қаровсиз, эски,

қилиш, ишлаб, турмуш шароитини яхшилаш, даромадини оширишга иштиёқи ошди. Биргина ўтган йилнинг ўзида маҳалламизда 51 та микролойха ишга туширилди, 170 та иш ўрни очилди. Камбағал оилалар сони қаррасига камайиб, 18 киши қолди.

Президентимиз маҳалламиз идораси фаолияти билан танишиб, бу йил янада юқори натижаларга эришишимизга ишонч билдирди. Бажарилиши керак бўлган ишлар бўйича керакли тавсия ва маслаҳатлар берди. Маҳалла аҳли билан кўтаринки кайфиятда суҳбатлашиб, янгиланишларни биргаликда амалга оширамиз, дея руҳлантирди.



## ЯШАШ ЖОЙИМИЗДА ЯШИЛЛИК ЯРАТАЙЛИК



Қизилгул ҚОСИМОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Атроф-муҳитни асраш, дарахт ўтказишга минг марта тарғиб қилиб, нутқ сўзлагандан кўра, келинг, азиз юртдошлар, дея биргаликда ерга ниҳол қадаб, бог барпо этиш анча фойдали ва таъсирлироқ. Давлатимиз раҳбари ҳам Бектемир туманида енг шимариб, аҳоли вакиллари билан бирга дарахт эқди. Унинг намунасида руҳланиб, биз ҳам қўлимизга белкуррак олиб, кўчат ўтказдик. Тумандаги уч гектар яйдоқ майдонда уч мингдан ортиқ дарахт экилиб, ажойиб яшил майдон, мўъжаз бог барпо этилди.

Юртимизда узоқни кўзлаган ислохотлар амалга оширилмоқда, кенг қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Бу банд бинолар, кўп қаватли уйлар атрофида дарахт экилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари изчил бажарилаётганида ҳам намоён бўлаётди. Айниқса, “Яшил макон”

умуммиллий лойиҳаси чин маънода халқ ҳаракатига айланган. Бу саъй-ҳаракат бутун дунё давлатлари олдида турган глобал экологик муаммолар, хусусан, озон қатлами емирилиши, глобал исишнинг таъсири камайишига ҳисса қўшади.

Албатта, бу ислохотлар жараёнида одамлар ҳам жонбозлик кўрсатиши керак. Дам олиш кунлари тоғ ёнбағри, табият қўйнига югурмай, ўзи яшайдиган манзилда дарахт ўтказиб, “яшил белбоғ” ҳосил қилиши айна давр талаби. Бу, аввало, ўзимиз, фарзандларимизнинг саломатлигини ҳимоя қилишнинг энг мақбул ечимидир.

Бектемир тумани аҳолиси Президентимиз билан мулоқотда ҳам буни тереан англади. Экилган уч мингдан ортиқ дарахтни парваришда бош-қош бўлишга ваъда беришди. Бунинг, аввало, ўзлари учун фойдали эканини қалбан ҳис этишди.

Кейинги икки-уч йилда маҳалламизда қилинган ишлар ушбу масканга меҳр-муҳаббатимни янада оширди. Маҳалламиздаги янгиланишлар ва кўпмиллатли халқимизга яратилган имкониятлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирдим. Бектемир туманида турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил истиқомат қилади. Албатта, бунга мамлакатда юритилаётган оқилона сиёсат пухта замин яратаяпти.

Шу боис, маҳалла аҳлининг Президентимиз билан дилдан суҳбатда бу қулайликларни алоҳида эътироф этдим. Давлатимиз раҳбари биз билан самимий суҳбатлашиб, кайфиятимизни кўтарди, келажакка ишончимизни оширди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Санжар ЭШМУРОДОВ  
ёзиб олди.

Виктория АН,  
Роҳат маҳалласи фаоли:

— Бектемир тумани Роҳат маҳалласида туғилиб ўсганман. Бу ерда кўпмиллатли халқ ҳамжиҳатликда умргузaronлик қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни, маҳалламни, бу ердаги кўни-қўшни, дўсту биродарларимни жуда яхши кўраман.

Қайси давлатта бормай, Ўзбекистонни соғиниб, тезда қайтиб келаман. Илгари маҳалламиз кўрimsиз жой эди. Ҳозир эса замонавий, шинам, барча қулайликларга эга ҳудудга айланган. Барпо этилган болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, нурунийлар



маскани, айниқса, хавфсиз, ёруғ, раvon кўчалар ҳаётимизга ҳам қарoғонлик олиб кирмоқда.

Янги Ўзбекистон руҳи

Президентимиз 2021 йил 10-11 июнь кунлари қўшни мамлакатга давлат таширининг иккинчи кунда айнан Арбоб саройида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида ушбу республика зиёлилари билан учрашиб, мулоқот асносида икки буюк мутафаккир — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳамкорликда бадиий фильм яратиш гоясини илгари сурганди. Ушбу фильм бугун “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий” номи билан суратга олинмоқда.

## БУ БАҲОРНИ УНУТИБ БЎЛМАС



Шоқақхор САЛИМОВ,  
журналист,  
“Дўстлик” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз бундан етти йил муқаддам 9-10 март кунлари Тожикистон Республикасига давлат ташири билан бориб, икки мамлакат ўртасида қарийб чорак аср давом этган “совуқ” муносабатларни бартараф этди. Алоқаларимизни стратегик ҳамда иттифоқчилик даражасига кўтарди. Сўнгги етти йилда ҳамкорлик алоқалари, айниқса, иқтисодийнинг барча соҳаларини қамраб олиб, ўзаро савдо қиймати 197 миллион доллардан 757 миллион долларгача ўсди. Бу кўрсаткични 1 миллиард долларга етказиш имконияти мавжуд.

Тожикистонлик эксперт Парвиз Муллажоновнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ҳамда Қирғиз Республикаси Тожикистоннинг йирик савдо шерикларидир. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташири ҳам икки мамлакат ўртасидаги яқин дўстлик алоқалари тарихида муҳим воқеа бўлди.

Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади”. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард 665 миллион долларга баҳоланмоқда.

Гуманитар йўналишда ҳам ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари ўтказиб келинаётгани минтақадаги тинчлик ва барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш, инсоний потенциални жиқслаштириш борасида қулай восита бўлиб қолмоқда.

интилишларимизни тараннум этадиган асарлар яратиб, ёшларимизни айна шу руҳда тарбиялашга ҳисса қўсангиз, халқларимиз сизлардан албатта миннатдор бўлади.

Бундай баркамол ижод намуналари бутунги таҳликали даврда элларимиз, айниқса, ёш авлодларимизга мустаҳкам маънавий қалқон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз”, деди.

Ҳўжандда ўтадиган уч томонлама учрашув Президентимизнинг юқорида айтилган олижаноб ва эзгу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш йўлида яна бир



Наврўз байрами арафасида Президентимиз минтақа давлатлари етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилиб, икки кўп томонлама ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Давлатимиз раҳбари Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида яқин кунларда Ҳўжанд

амалий қадам бўлишига ишончимиз комил.

Мазкур учрашувнинг айна ушбу қадимий шаҳарда ўтказилишида ҳам қадимий маъно бор. Ҳўжанд азалдан уч қардош, биродар эллар — ўзбек, тожик, қирғиз халқларининг тарихий савдо-сотик алоқалари, маданиятла-



Бу йилги файзли ва фараҳбахш Наврўзи олам арафасида минтақамиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа рўй берди. 13 март куни Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараси тўғрисидаги шартномани имзолади. Мана шу воқеани нафақат тожиклар ва қирғизлар, балки бутун минтақа халқлари кўп йиллардан буён кутган эди. Демак, минтақавий тинчлик ва яхши қўшничиликка яна бир қатъий амалий қадам қўйилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ҳамда яхши қўшничилик таъминлашига асосланган стратегик шериклик муносабатлари ҳам изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Инвестициялар ва саноат кооперацияси бўйича кенг қўламли ҳамкорлик ўз

шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг учрашуви бўлиб ўтишини айтди.

Президентимиз минтақамизда яшаётган жамики соф ниятли инсонларни Ўзбекистон халқи номидан табриқлаб, бўлажак олий даражадаги мулоқотга эътибор

ри кесишган шаҳар бўлиб келган. Ҳўжанд Тожикистон тарихида “Тинчлик шаҳри” номи билан ҳам ёдга олинган. Чунки айна шу шаҳарнинг Арбоб қасрида 1992 йил 16 ноябрь куни Тожикистон Олий Кенгашининг XVI сессияси бўлиб ўтган ва мамлакатда узоқ давом этган фуқаролар урушига нукта қўйилган.

Президентимиз 2021 йил 10-11 июнь кунлари қўшни мамлакатга давлат таширининг иккинчи кунда айнан Арбоб саройида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида ушбу республика зиёлилари билан учрашиб, мулоқот асносида икки буюк мутафаккир — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳамкорликда бадиий фильм яратиш гоясини илгари сурганди. Ушбу фильм бугун “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий” номи билан суратга олинмоқда.

Бу йилги файзли ва фараҳбахш Наврўзи олам арафасида минтақамиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа рўй берди. 13 март куни Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараси тўғрисидаги шартномани имзолади. Мана шу воқеани нафақат тожиклар ва қирғизлар, балки бутун минтақа халқлари кўп йиллардан буён кутган эди. Демак, минтақавий тинчлик ва яхши қўшничиликка яна бир қатъий амалий қадам қўйилди. Мана шундай фойдали мулоқотлар минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик муҳитини янада мустаҳкамлади.

Бу йил баҳорда Марказий Осиё халқларини янада жиқслаштирадиган, тинчлик, тотувлик, ҳамкорликка чорлайдиган қўллар воқеалар бўлиб ўтди ва бўлиши кутулапти. Шундай экан, эзгуликларга йўтирилган бу баҳорни унутиб бўлмас...

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



самарасини бермоқда. Транспорт ва логистика соҳасидаги истиқболли ҳамкорлик, хусусан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини бунёд этиш лойиҳасини алоҳида қайд этиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 27 декабрь кунини темир йўл қурилиши бошланишига бағишланган тантанали маросим иштирокчиларига мурожаат қилиб, жумладан, бундай деганди: “Ушбу магистрал йўлининг ишга туширилиши минтақамиз савдо ва инвестициялар ҳажмининг бир неча баробар кўпайтириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқарттириш,

қаратар экан, учрашув яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда яна бир амалий қадам бўлишига ишонч билдириб: “Том маънода дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик маконига айланаётган минтақамиз ҳамшиша тинч бўлсин, ҳамшиша гуллаб-яшнасин!”

Шу ўринда минтақамизнинг хурмагли зиёлилари, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт намоёндаларига мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Азиз дўстлар, сизлар ноёб истеъдодингиз, ақл-тафаккурингиз билан азалий қардошлигимизни, муштарак қадрият ва урф-одатларимизни, эзгу



# ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

## БИРИНЧИ МАВСУМ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ  
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

### Бошланғичи 1-бегда

Бундай хурсандчилик овозлари юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам баралла эшитилди. Ғолиблар рўйхати "Очиқ бюджет" порталида эълон қилинган, ижтимоий тармоқларда "ғалаба"ни нишонлаётган юрtdошларимиз қувончи акс этган турли видеолар тарқалди. Лойиҳа ғолиблиги учун бирлашиб, ўз ҳудудидаги аниқ бир муаммо ечими йўлида биргаликда ҳаракат қилган аҳоли энди хурсандчилигини ҳам қарнай-сурнай садолари остида, рақсларга тушиб, ҳатто концерт уюштириб нишонлаганига гувоҳ бўлиш.

Бонси, йилда икки мартаба ўтказилаётган "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси халқимиз орасида яхшигина оммалашиб, уларни бир мақсад атрофида бирлаштираётган ижтимоий ҳаракатга айлиб улгурди. Шунинг ортидан ажратилаётган маблағ эвазига таъмирланаётган йўллар, бинолар, янги қурилатган иншоотлар одамларнинг лойиҳага ишончини янада оширапти. Юрtdошларимиз ҳар гал лойиҳани қизғин кутиб, унда фаол иштирок этишга ошқмоқда. Талаблору ташаббуслар сони ҳам йил сайин ортиб борапти.

"Ташаббусли бюджет"нинг жорий йилги 1-мавсумига 1 февралдан старт берилган эди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, биринчи мавсум босқичида юртимиз бўйлаб 10 миллион 450 мингта овоз берилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра,

биринчи мавсумда 2,7 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Аммо қиймат анча юқори бўлди — якунда 2369 та лойиҳа ғолиб топилиб, уларни молиялаштиришга 3,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

### 26 та овоз билан ғолиб бўлган лойиҳа

Ғолибликни нишонлаётганлар бунга эришиши осон бўлмаганини яхши билади. Чунки "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси кўлами ортгани сари таклиф этилаётган лойиҳалар сони ҳам кўпайиб, улар орасидаги рақобат ўсиб борапти. Биргина жорий мавсумда аҳолидан 28 минг 399 та ташаббус келиб тушгани бунинг мисоли. Шулardan 23 минг 457 таси саралаш босқичидан ўтиб, 2369 таси овоз бериш натижаларида ғолиб деб топилган. Аммо аввалги мавсумда ғолиб лойиҳалар сони 1772 та бўлганини ҳисобга олсак, бу борада ҳам ўсиш кузатилади.

"Ташаббусли бюджет" ўз номи билан бюджет маблағларининг муайян қисмини сарфлаш бўйича ташаббусларни илгари суриш орқали аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда бевосита иштирок этиш шаклидир. Фуқаролар томонидан муайян таклиф илгари сурилган экан, у жамоатчиликка оқиқ тақдим этилади. Аҳоли кўпинча йўллар ёмонлиги, таълим ва тиббиёт муассасалари таъмир-талаб ҳолга келиб қолгани, муҳандислик

инфратузилмалари етишмаслигини кўрсатади. Ҳар бир лойиҳага омма томонидан овоз берилди. Энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилди ва лойиҳалар берилган овозлар сонидан келиб чиқиб сараланади, молиялаштирилади.

Бунда одамлар "Очиқ бюджет" портали орқали ўз ҳудудидаги ижтимоий муаммолар топилиб, уларни молиялаштиришга 3,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

"Очиқ бюджет" портали маълумотларига кўра, лойиҳанинг бу йилги 1-мавсумида ҳудудлар кесимида энг кўп ташаббуслар Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларидан келиб тушган. Энг кўп ташаббуслар ғолиб бўлган ҳудудлар кесимида эса Фарғона вилояти (254 та) етакчилик қилмоқда. Айниқса, яққа-боғлик юрtdошларимиз лойиҳада ниятда фаол бўлгани кўзга ташланди. Боиси, энг кўп овоз тўплаган топ ўн иккиталикдаги лойиҳа-

Лойиҳада энг кам — 26 та овоз билан ғолиб бўлган лойиҳа ҳам бор. Оҳангарон шаҳридан қўйилган мазкур лойиҳа Муқаддас Ҳожимуродова томонидан таклиф этилган бўлиб, унда кўча чироқлари ўрнатиш бўйича ташаббус илгари сурилган. Минглаб тўплаган овозлар, катта лойиҳалар орасида бу бир оз арзимасдек кўриниши мумкин. Аммо бунинг учун ҳам ҳудуд аҳли озми-кўпми ҳаракат қилгани, ана шу ташаббусни илгари суриб, кичик бўлса-да, муаммонинг ечимига бафариқ бўлмагани қувонари. Ваҳоланки, турмушимиздаги фаровонлик шу каби кичик муаммоларни ҳал этишдан бошланади.

### Мажбурий овоз тўплаган лойиҳа ғолиблар рўйхатида чиқарилиши мумкин

Хайрли ташаббуснинг боши ҳам, охири ҳам хайрли бўлгани яхши. Яъни "Ташаббусли бюджет"да ғолиб бўлишга интилиш мажбурий овоз беришга ундаш, ноқонуний ҳаракатларга сабаб бўлмаслиги муҳим масала. Лойиҳанинг ўтган йиллардаги мавсумлари бу борадаги эътирозларга сабаб бўлгани, ҳар гал "Ташаббусли бюджет"нинг овоз бериш босқичи бошланғичи билан овоз беришнинг турли ноҳалол усулларида фойдаланиш ҳолатлари кузатилиши сир эмас. Ҳар бир овоз учун бирор нарсга таклиф қилишлар очикчасига тус олади. Шу боис, лойиҳа такомиллаштириб борилгани сари бундай ҳолатларга чек қўйиш чоралари ҳам кўриломоқда. Масалан, 2024 йилдан "Бир фуқаро — бир овоз" тамойили жорий этилди. Бу бир фуқаро, унинг номида бир неча SIM карта бўлса ҳам бир мавсумда фақат бир марта овоз бериши аниқланади. Мазкур чора бир дунё SIM карта сотиб олиб, лойиҳанинг ғолиблик имкониятини оширишга уринганларнинг ҳатти-ҳаракатларига бир овоз бўлди. Бундан ташқари, ушбу тамойил турли кўринишдаги овоз тўплаган мажбуриятларнинг ҳам олдини олади.

Лойиҳанинг жорий йилги биринчи мавсумида эса "Ташаббусли бюджет"да мажбурий овоз беришга жалб қилиш ҳолатлари тўғрисида хабар берилган эди. Ижтимоий тармоқларда ҳаморларимиздан бири бундай эди: "Нима бўлганда ҳам "Ташаббусли бюджет" одамларни бирлаштира оляпти". Ҳақиқатан, лойиҳа фуқароларда сайлов кампаниялари олиб бориш, ўз таклифларини очик илгари суриш, жамиятдаги муаммоларга нисбатан фаоллик кўрсатиш кўникмасини шакллантирмоқда.

ишга туширилди. Бу ҳақда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги интернет тармоқлари орқали маълумотларни тақдим этиб борди.

— Овоз бериш жараёнида ишонч рақамига мажбурий овоз беришга жалб қилиш ҳолатлари билан боғлиқ 20 дан ортиқ шикоят келиб тушган, — дейди вазирлик бош мутахассиси Ҳабибулло Ҳамидов. — Барча муражаатлар кўриб чиқиш учун тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашларига юборилиб, ҳолат ўз тасдиғини топан тақдирда мазкур лойиҳалар овоз бериш босқичидан четлатилади. Гап шундаки, "Ташаббусли бюджет" жараёни доирасида мажбурий овоз беришга жалб этиш мажбурий меҳнат сифатида таснифлангани белгиланган ва бунга жиддий чоралар қўрилади. Масалан, Кува туманидаги фуқаролар мажбурий овоз тўплаганда жалб қилиниши ҳолати қайд этилгани сабабли мажбурий овоз тўплаган лойиҳаларга аниқлик киритилмоқда. Улар ғолиблар рўйхатидан ҳам чиқарилиши мумкин. Урганиш натижаларига кўра, мазкур туман бўйича ғолиб лойиҳалар қўшимча равишда эълон қилинади.

Очиғи, овоз бериш ва овоз тўплаган халқнинг иштирокидаги масала бўлиб, хайрли ишга бошқаларни ҳам жалб этиш, тарғибот қилишнинг ёмон томони йўқ. Аммо бу, юқорида таъкидлаганимиздек, ноқонуний ҳаракатлар, айдоларга сабаб бўлмаслиги, мажбурий тус олмаслиги лозим. "Ташаббусли бюджет"нинг жорий йилги биринчи мавсуми ҳам тарғиботлардан холи ўтмади. Овоз тўплаган учун одамлар турли усуллари қўлиди. Жумладан, ҳаморларига овозлари эвазига телефон ҳисобини тўлдириб бериш, бепул ичимлик ёки ўсимлик ёғи таклиф этилди. "Бир овоз — 15 минг сўм" деган эълонларда белгиланган нарх овоз бериш ақнига бориб, бир неча баробаргача кўтарилди кетди.

Бундай усуллар қонунийликда ва лойиҳа тартибиде белгиланмаган бўлса-да, одамларнинг ихтиёрий танлови ҳам ноқонуний эмас. Қилиб берилаётган таклифни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳар кимнинг ўзи ихтиёрида. Овоз бериш ҳам ихтиёрий масала. Кимлардир ҳеч қандай манфатсиз ўз ҳудуди учун овоз берган бўлса, базиллар турли таклифларини ихтиёрий қабул қилиб, бирор нарсга эвазига кўрсатилган лойиҳаларга овоз берди. Ҳар қайси ҳолда ҳам кишилар хайрли ташаббус иштирокчисига айланади.

Ижтимоий тармоқларда ҳаморларимиздан бири бундай эди: "Нима бўлганда ҳам "Ташаббусли бюджет" одамларни бирлаштира оляпти". Ҳақиқатан, лойиҳа фуқароларда сайлов кампаниялари олиб бориш, ўз таклифларини очик илгари суриш, жамиятдаги муаммоларга нисбатан фаоллик кўрсатиш кўникмасини шакллантирмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

## Худудлар ҳаёти

### Бошланғичи 1-бегда

Жанубий Қизилқумнинг Нурота тоғи этакларига туташ адоғида жойлашган бу қишлоқ ўтган асрнинг 60-йилларида чўлини ўзлаштириб, пахта етиштириш авж олган даврда барпо этилган манзиллардан бири. Дастлаб Бахмал туманининг тоғли қишлоғидан кўчиб келган ўндан зиёд оила асос солган қишлоқда бугун 1377 хонадонда олти мингдан ортиқ аҳоли яшапти. Қишлоқ аҳли сони ортишига табиий кўпайишдан ташқари кейинги йилларда юқоридаги танишимга ўхшаш яшаш учун яхши жой излаб кўчиб келганлар ҳам анча ҳисса қўшган, албатта.

Одатда янги барпо этилган аксар қишлоқларнинг номлаиши бир хил — Янги қишлоқ дейилган. Дастлаб Тоқчилик, кейин Гандумтош, энг охири Қувёбоши фуқаролар йиғини таркибиде бўлган бу манзил ҳам Янги қишлоқ деб аталган. 2018 йилда Янги диёр номи билан алоҳида маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилган.

Авал касб-кори асосан пахта билан боғлиқ бўлган қишлоқ аҳли кейинги йилларда зироатнинг барча турларини етиштиришнинг ҳадисини олди. Бундан ташқари, чорвачилик, тадбиркорлик ҳам асосий даромад манбаларига айланди. Кичикроқ бўлса ҳам саноат корхоналари пайдо бўлди.

Янги диёрда дастлабки суҳбатдошим мени бу ерга таклиф қилган кишининг ўзи бўлди.

— Янги диёр нимаси билан сизга маъқул бўлди? — деб сўрадим ундан.

— Маҳалла одамларининг меҳри, — дейди у. — Кўчиб келганимдан сўнг бир ҳафта ўтмасдан маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси Абдор Элмуродов билан маҳалла ёшлар етакчиси Садриддин Бегимқулов хонадонимга келиб, "Халқимизнинг элга эл қўлишга давлат деган доно нақли бор. Қадимингиз қутлуг, кўншинингиз хайрли бўлсин", деб табриклаганида кўнглим тоғдек кўтарилди. Улар танишиш, суҳбат давомида маҳалла ҳаёти, "еттилик" тавсияси орқали бериладиган имтиёзлар ҳақида гапирди. Улардан сўнг кўп ўтмай, маҳалланинг яна икки вакили — хотин-қизлар фаоли билан ижтимоий хизмат ҳодимаси келиб, шароитимизни ўрганиб кетди. Улар ҳам ўз вазифаларидан келиб чиқиб, агар зарурат бўлса, кўмаклашишни айтиди. Янги кўчиб келиш, ҳали маҳалланинг паст-баландини билмай, ётсираб турган оилага бундай эътибор нақадар зарурлигини менга ўхшаш кўчиб-қўнганлар билади. Бундай эътиборни аввал учратмаганман. Ҳозирча бирор ёрдамга муҳтож эмасман-у, аммо маҳалладаги бу яхши ўзгаришни ёсангиз деган ниятда айтаяман.

— Оддий уй бекаси эдим, "Аёллар дафтари"да рўйхатда турардим, — дейди ўзини Дилфуза деб таништирган опа. — Рўзгоримиз зўра ўтарди. Бундан бир ярим йил олдин маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўм кредит олиб, оилавий тадбиркорликни бошладик.

Яхши ишни эл билгани яхши. Суҳбатдошимнинг айтганлари ортиқча мактов эмас, Янги диёрнинг кундалик ҳаёти эканига маҳалла идорасида бўлганимда ўзим ҳам ишонч ҳосил қилдим.

Маҳалла раиси Алишер ака Жонузоқов узоқ йиллар солиқ тизимида ишлаган. 2018 йили Янги диёр маҳалласи ташкил этилгандан буён раис вазифасида ишлаб келаётган экан.

— Маҳалладаги ислохотлар фуқаролар йиғинини одамларга ҳақиқий нафи тегадиган идорага айлантирди, — дейди раис. — Бу аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, давлат ва жамоат ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга самарали хизмат қилмоқда. Кўпгина муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Одамлар имтиёзли кредитлар, субсидия олиб, тадбиркорлигини йўлга қўйди. Даромадди бўлди. Иш ўринлари яратди. "Обод маҳалла" дастури асосида маҳалламиз ободлашиб, янгиланди. Одамларнинг ҳаёти фаровонлашиб, маънавияти ҳам бойимокда. Меҳр-оқибат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби азалий қадриятларимиз мустаҳкамланмоқда.

Оқсоқолнинг айтишича, ўтган йили ўндан зиёд оила камбағалликдан чиқарилибди. Бу йил камбағалликни тугатишмоқчи экан. Бунга маҳаллада имконият бор. Имконият бор жойда ният амалга ошади, албатта.

қиритиш, саралаш, тарғибот босқичларидан ўтган лойиҳалар овоз бериш босқичида қатнашади. Муайян муддат давомида овозлар тўплаган, ғолиб деб топилган ташаббуслар давлат бюджетидан молиялаштирилади. Аҳамиятисиз, мана шу босқичларнинг барида бевосита халқимизнинг ўзи иштирок этади. Давлат ташкилотлари ёки мутасадди корхоналарнинг иштироки, таъсири бўлмайди. Жамик қиритилган лойиҳалар, уларга берилган овозлар ва ажратиладиган пулларнинг бари шаффоф тизим орқали кўриниб туради. Маблағ ҳам қисқа фурсатларда ажратилапти.

ларнинг бари Яққабоғ туманидан илгари сурилган ташаббуслар эканини кўриш мумкин.

Жорий мавсумда бир лойиҳа учун энг юқори қиймат 1 миллиард 500 миллион сўмин ташкил этди. Ана шу маблағни қўлга киритган Яққабоғ туманидан қўйилган лойиҳа юртимиз бўйича энг кўп — 14 минг 634 та овоз тўплаган. Маъруф Жўраев томонидан киритилган мазкур лойиҳада ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар назарда тутилган. Кўчаларни асфальтлаш, пидедалар йўлакчаси ва йўл ўтказгичлар ажратиш таклифлари берилган.

# Янги диёр маҳалласида Камбағалликни тугатишмоқчи



Суҳбатимиз маҳалла фаоллари, идорага турли юмушлар сабаб келган фуқаролар билан давом этди.

— Оддий уй бекаси эдим, "Аёллар дафтари"да рўйхатда турардим, — дейди ўзини Дилфуза деб таништирган опа. — Рўзгоримиз зўра ўтарди. Бундан бир ярим йил олдин маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўм кредит олиб, оилавий тадбиркорликни бошладик. Турли пишириқлар тайёрлаб сотамиз. Аввал маҳсулотларимизни атрофимиздаги дўконларга берадик, кейинчалик Жиззах шаҳридаги бозорларга олиб чиқдик. Ҳозир вилоятимиз бўйлаб тарқатяпмиз. Турт кишини иш билан таъминладим. 100 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимни кенгайтириб, қўшни вилоятлар бозорига ҳам кирмоқчимиз. Ҳозир шу масалада ҳоким ёрдамчиси билан гаплашмоқчиман.

— Мен маҳалла ижтимоий хизмат ҳодимаси Турсунӣ Абулқосимова олдида келгандим, — дейди суҳбатдошларимиздан яна бири Диларфўз Жумабоева. — Қайнонамни санаторийга юбормоқчи эдик. Онлайн рўйхатга қўймоқчиман. Журналист экансиз. Биз ишлайдиган тикувчилик цехи ҳақида ҳам мақола ёзинг. Маҳсулотларимиз Тошкент бозорларида сотилади. Бошлигимиз Гулмира Бегимқулова маҳалламизнинг фаол аёлларидан.

— Маҳалламиз аҳлининг 1237 нафарини ёшлар ташкил қилади. Ҳар йили ёшларнинг ижтимоий фаолияти, ўқиш ва иш билан боғлиқ ҳолатларини кузатиш мақсадида хатлов ўтказамиз. Яқинда навбатдаги хатловни тўлиқ тугатдик. Хатлов жараёнида ёшларнинг орзу-умидлари, ижтимоий ҳолатлари ва келажақдаги режалари ҳақида маълумот тўпладик. Хатлов натижалари асосида ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга, орзуларини рўё-

га чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган йили 87 ёшга 50 сотихдан ер ажратилди. Баҳорда улар фаолиятини бошлади. 7 нафарига чорвачилик ва деҳқончилик учун имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик. Шунингдек, 10 нафарига ноутбук олиб бердик. Маҳалла ёшлари "Беш ташаббус олимпиадаси"га ҳам тайёргарликни бошлаб юборди. 2024 йили волейбол мусобақасининг республика босқичида тўртинчи ўринни эгаллаган қишлоқ ёшлари бу йил янада юқори натижаларни кўзлаб ҳаракат қилмоқда, — дейди маҳалла ёшлари етакчиси Садриддин Бегимқулов.

Суҳбатда бўлганларнинг кўпчилиги маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Абдор Элмуродов фаолиятдан ҳам мамнун эканини билдирди.

— Ҳоким ёрдамчиси 100 миллион сўм имтиёзли кредит олишимга яқиндан кўмак берди, — дейди Гулмира Бегимқулова. — Масыулияти чекланган жамият очиб,

камбағал оилалардан 11 хотин-қизни ишга олдим. Буюртма асосида ишлаяпмиз. Ҳозирги иш жойимиз торлик қилляпти. Уйимизнинг чеккасида цехимиз учун алоҳида бино қуряпман. Агар маҳалла яна ердан берса, фаолиятимни бундан-да кенгайтирмоқчиман.

Маҳаллани айлиниб, бундан бир йил аввал "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилган ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Жиззах — Форш йўли бўйида жойлашган қишлоқ хушманзаралиги билан йўловчилар диққатини тортади. Икки тарафига мевали ва манзарали дархатлар экилган обод кўчалар, боғларга бурканган ораста ҳовлилар қишлоқдаги кейинги йиллардаги ўзгаришлар самараси. "Обод маҳалла" доирасида қурилган маҳалла идорасининг замонавий биноси ҳам қишлоққа кўрк бериб турибди.

Ушбу дастур доирасида 8,5 километр ички йўл таъмирланиб, 3,1 километрга янгидан асфальт ётқизилган, 4 километр пидедалар йўлаги қурилди. Маҳаллани туман маркази ва қўшни қишлоқлар билан боғловчи йўлнинг 5 километр қисми, шунингдек, 4 километр электр узатиш тармоғи, 3 донна трансформатор мукаамал таъмирланиб, 3 донна янги трансформатор, 100 донна темир-бетон устун ўрнатилди. Маҳалла аҳлини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида сув иншооти қурилди.

Янги диёрга баҳор келмоқда. Бир томони тоққа, бир томони чўлга туташ хушманзара ҳудудда табиат жонланмоқда, одамлар баҳорга пешов чикмоқда. Тоғ бағридаги яйловларда қўй-қўзиларнинг овози, чўлга туташ далалар, боғларда тракторлар шовқини эшитилмоқда. Одамлар ҳаракатда. Улар янги орзулар, умидлар билан баҳорга пешов чикмоқда.

Вилоятда ҳавас қилса арзигулик бундай обод маҳаллар кўп. Обод манзиллар сони йил сайин ортиб бораёттир. Ана шу ободлик ва фаровонлик туфайли барча маҳалларда баҳорий ўйғониш, Наврўз тараддуди барвақт бошланди.

Бугун Янги диёрдаги каби баҳорнинг эзгу ишларини вилоятдаги мавжуд 310 та маҳалланинг барчасида кўриш мумкин. Юртимизнинг янги баҳори барча маҳалларга янгича кўтаринкилик билан кириб келмоқда.

Табиатдаги, жамиятдаги бу ўйғониш маҳалла фаоллари ҳаракатларини ҳам жонлантирмоқда. Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, одамларга амалий ёрдам, маслаҳат бермоқда. Улар муқаддас Рамазон кунлариде хайрли амалларни бажариш, ноқорларни қўллаб-қувватлаш каби савоб ишларга, ариқларни тозалаш, спорт ва болалар майдончалари барпо этишдаги ҳашарларга бош-қўш бўлмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

# Орамиздаги одамлар МЕҲНАТ, МЕҲР ВА САБР ҲАЛОВАТИ

Ўқтамхон исми жисмига монанд аёл. Раҳматли Қозоқбой ака Ўлмасхон ая билан саккиз қиз, икки ўғли қатори олтинчисига исм қўйишда нечоғлиқ топқирлик қилган-а: шижоатли, бошқаларни ортидан эргашира олувчи, олижаноб, ҳиммати улуг, ўзига ўта талабчан. Бу фазилатлари билан кўпга меҳр берди, меҳр кўрди.

Ўшанда “Ойдин” (вилоят хотин-қизлар газетаси) кунларини ўтказиш учун Ёзёвон туманига боргандик. Учрашув пайтида юзлаб муштарийлар орасидан Ўқтамхон сўзамоллиги, бадий ижодга ташналиги, билимдонлиги билан кўзга яққол ташналиги қолди. Ниҳоятда дилбар, зукко, олий тоифали бошланғич таълим устаси назму насрда яхшигина ижод қиларкан. Шеърларини тинглаб бўлгач, даврадагилар кўшиқ куйлаб беришга ҳам чорлади. Одамларни куттириб ўтирмай, жонли ижрода “Самарқанд ушшогни”ни маромига етказиб ижро этдики, тинглаб сел бўласиз.

Чўлқуварлар зурриётлари ҳақиқатан шижоактор, сўз салмоғини англаб, маънавият ва санъат қаймоғини ҳис қила билганини Ўқтамхон мисолида яққол сезгандик. Хуллас, шу кунни Чўлқулигистондан чақнаб чиққан бетакор муаллима, тақорланмас ижодкор, вилоят фаолларининг энг фидойисини кашф этгандик.

Шундан ҳеч қанча ўтмай, республика миқёсида “Аёл — баркамол авлод мураббийси” танлови ўтказилди. Танловнинг вилоят босқичига туман, шаҳар босқичлари ғолиблари — турли жаҳаларнинг энг фидойилари, намунали она ва оила бекалари ташриф буюрди. Бир-биридан оқила, билимдон, истеъдодли, суратию сийратиди Ўзбекиона лутф ва маърифат акс этиб турган аёлларга қараб, ҳавасингиз келди. Улар орасида Ўқтамхонни кўриб, негидир қувониб кетдим. Талабчанлик, шафқатлик билан кечган танловда Фар-



— Ўқтам опа мактабда экан, ҳар қандай маънавий-маърифий тадбир, машур ёзувчи ва шоирлар билан бўладиган адабий мулоқотлар юқори савияда ўтишига ишонамиз, — дейди ижод мактаби директори Нигорахон Маннопова. — Ҳар сатрдан самимийлик ёғилиб турадиган халқона шеърлари, ҳаётини ҳикоялари жамланган, кўлма-кўл бўлиб ўқилаётган китоблар муаллифи, мумтоз кўшиқларнинг моҳир ихроҷисини гўзал фазилатла-

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ таълими аълочиси Ўқтамхон нафақат туман, балки вилоятнинг янгиликка интилувчан, ўзи ва ҳамкасблари, ўқувчиларига ўта талабчан устоз-мураббий, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг энг пешқадам мутахассисларидан.



гона аёллари нуфузини ҳимоя қилувчинини танлаб олиш баҳлиси кечди. Ниҳоят ҳайбат аъзоларининг овоз бериш натижаларига кўра, менман давора аёллар орасидан Ёзёвондаги 22-мактабнинг оддий ўқитувчиси Ўқтамхон Солиева бундай ишончга лойиқ топилди. У ҳайбат аъзолари ишончини оқлаб, кўрик-танловнинг мамлакат миқёсида ҳам мутлақ ғолиб бўлди. Бу шунчаки тасодиф эмаслигини кейинги ҳаётида, ижтимоий фаолиятида исбот эта олди.

Тупроқдан ризқ ундириб, меҳнатдан ҳаловат топган деҳқон оилада вояга етган Ўқтамхон кўнгли кўйгани — худди ўзлари каби кўшиғи. Ун фарзанднинг тўнғичига узатилди. Не бахти, ота-она ўғитига кўра, умринг ҳар лаҳзасидан ўз ҳақини олиб қолишга интиладиган, вақт аталмиш улуг неъматни фақат эзгу ишларга бахш этишга ўрганган Ўқтамхоннинг жўфти Мамаюнус ҳам ҳаётини қарашларда икки томчи сувдек ўхшаш эди. Бир муаллима, бири ички ишлар ходими бўлган ёшлар бўш пайтларини яратувчи меҳнатга бағишлади. Меҳнатга ошно, ижодга ташна оилавий муҳитда фикс-фужур, ғийбат-гурбатларга асло ўрин йўқ эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ таълими аълочиси Ўқтамхон нафақат туман, балки вилоятнинг янгиликка интилувчан, ўзи ва ҳамкасблари, ўқувчиларига ўта талабчан устоз-мураббий, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг энг пешқадам мутахассисларидан.

ри, серқирра салоҳияти билан ажралиб туради.

Бу ота-она, жон-жигар, оилага меҳри, меҳнатни ҳаловат билгани, муаллимлик касбига, ижодга, устозу шоғирларга, бори ҳаётга чекиз садоқати, кези келганда, сабрга суяна билгани ҳикमतидан бўлса, не ажаб. — Ҳаётимда нимагаки эриша олган бўлсам, аввало, ота-онам, қайнона-қайнотамнинг турмуш йўлидаги беминнат сабоқларидан, устозларим, жигарларимнинг қўллаб-қувватлашидан ва умр йўлдошимнинг садоқати, эътиборидан деб биламан, — дейди халол меҳнат, беминнат меҳр, чиройли сабрдан ўз бахт формуласини яратган олган Ўқтамхон. — Бу ҳикमतларни фарзандларим, шоғирларим, китобларимга ҳам сингдирган олам, мендан бахтли одам бўлмайди.

Президентимизнинг 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан жамиятимизнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган хотин-қизларни эътироф этиши асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби муаллимаси Ўқтамхон Солиева II даражали “Соғлом авлод учун” орденни билан тақдирланди. Юксак эътибор барча ижод аҳли ҳамда устоз-мураббийларнинг кўнглини чекиз фахр-ифтихорига тўлдирди.

Хадичахон КАРИМОВА,  
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси



## Миллий давлатчилигимиз тарихидан

Янги таҳрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс хисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

# ЮНОН-БАҚТРИЯ ДАВЛАТИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЕМИРИЛИШИ

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида савалкийлар давлатида юз берган сиёсий бекарорликдан фойдаланиб, савалкийларнинг Бақтриядаги ноиб Диодот ўзини шоҳ деб эълон қилди. Шу билан бирга, Парфия ноиб Андрарог ҳам Диодот билан бир вақтда, яъни милоддан аввалги 247 йилда ўзини шоҳ деб эълон қилган. Милоддан аввалги 230-йилларда Диодот вафот этади ва тахтга унинг ўғли Диодот II ўтиради. Юстиннинг ёзишича, Диодот II тахтга ўтиргач, парфияликлар шоҳи Аршак билан ўзаро тинчлик шартномасини тузган.

Милоддан аввалги 220 йилда келиб чиқishi Кичик Осиёдаги Магнесия шаҳридан бўлган Евтидем ўз тарафдорлари билан Юнон-Бақтрия шоҳи Диодот II ва унинг яқин қариндошларини ўлдириб, ўзини шоҳ деб эълон қилган. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, савалкийлар шоҳи Антиох III (милоддан аввалги 223-187 йиллар) шарқдаги ажралиб чиққан ўлкаларни яна савалкийлар тасарруфига ўтказиш мақсадида юриш бошлаган. Антиох III аввал Парфияни ўз давлати таркибига қўшиб олган ва Юнон-Бақтриянинг гарбий чегараларига етиб келган. Бундан хабар топган Евтидем Герируд дарёсида жойлашган кеувларнинг қўриқлаш учун кўп сонли қўшин юборди. Аммо Антиох III қаттиқ қаршиликсиз қўшинлари билан дарёдан кечиб ўтиб, Евтидем қўшинларини Бақтрия пойтахти Зариспа-Бақтр шаҳри томон чекинишга мажбур этади ва шаҳарни қамал қилади. Қамал икки йилча давом этган. Антиох III нинг асосий мақсади исёнкор ноибларни яна ўзига бўйсундириш бўлган. Лекин шаҳар қамалининг узок вақт давом этгани, шаҳарликларнинг бир тан, бир жон бўлиб пойтахтни ҳимоя қилгани Антиох III ни шаштидан қайтарган. Натигада икки томон музокаралар ўтказишга мажбур бўлган. Евтидем ўзаро тинчлик битимини тузиш лозимлигини куйидагича изоҳлаган: “Чегарада иккимизга хавф солиб турган кўп сонли кўчманчилар ўрдалари турибди. Агар у “ёввойилар” чегарадан ўтиб ҳужум қилса, мамлакат улар томонидан босиб олинади”.

Охириги музокарада Евтидемнинг ўғли Деметрий ҳам қатнашган. Полибийнинг ёзишича, Антиох III Деметрийни илтиқ қилиб олган. Унинг қадди-қомати, сўзлашиш маданиятини шоҳ унвонига лойиқ кўрган ва қизлардан бирини тортиқ қилиб, отасининг шохлик унвонини сақлаб қолишига рози бўлган. Музокаралардан сўнг Антиох III ва Евтидем ўртасида келишув қасами ҳамда ёзма сувоҳ тузилган. Бу сувоҳа биноан, Евтидем шох унвонини сақлаб қолган. Антиох III эса Евтидем филларини ҳамда қўшинга керак бўлган озиқ-овқатни олиб, Ҳиндистон томон юришини давом эттирган ва Ҳиндикуш тоғларидан ошиб ўтиб, ҳиндлар шоҳи Сафагасен билан дўстлик битимини тузган. Антиохнинг Ҳиндистон томон юриши Юнон-Бақтрия шоҳларининг келажақдаги ҳарбий юришлар йўналишини белгилаб берган.

Евтидем ҳукмронлиги даврида Юнон-Бақтрия давлати таркибига гарбдаги қатор қўшни вилоятлар қўшиб олинган. Улар орасида Маргиёна, Арёя, Аспина ва Турива алоҳида ўрин эгаллайди. Евтидем ҳукмронлиги даврида Сугдиёна ҳам Юнон-Бақтрия тасарруфига бўлган.


Юнон-Бақтрия ҳудудларининг янда кенгайиши Евтидемнинг ўғли Деметрий номи билан боғлиқ. Деметрий тахминан милоддан аввалги 200-йилларда ҳокимият тепасига келади. У давлат худудини янада кенгайтириш мақсадида эътиборини шарққа, Ҳиндистон томонга қаратади. Унинг қўшинлари аста-секин Маурья давлати таркибига кирган ерларни босиб ола бошлади. Тахминан милоддан аввалги

180-йилларда Маурья шоҳи Брихандратха қўшинлари Деметрий томонидан тор-мор этилади ва Гандхаранинг бош шаҳри Паталипутра (Пешовар) истило қилинади. Деметрий Ҳиндистонни забт этиб юрган бир вақтда Бақтрияда Евкратид томонидан давлат тўнғариши уюштирилган. У ўзига “халоскор” деб ном берган. Бу билан Евкратид Бақтрияни Деметрийдан халос қилганини қайд этмоқчи бўлган. Воқеадан хабар топган Деметрий қўшинлари билан Бақтрия томон йўл олади. Бу тўғрида Юстин қуйидагиларни баён қилган: “Деври бир вақтнинг ўзида Митридат Партавада, Евкратид эса Бақтрияда подшоҳ бўлди, иккаласи ҳам буюк инсонлардир”.

Евкратид Деметрийга қарши урушларни давом эттирди, у узлуксиз ҳамлалар қилиб, душман устидан галаба қозонди. Беш ой давом этган қамалдан сўнг Ҳиндистонни бўйсундириди. Бақтрияга қайтиш вақтида Евкратид бундан олдин ўзига тенг ҳукмдор қилиб тайинланган ўғли Гелиокл томонидан ўлдирилди. Евкратид ўлими Юнон-Бақтрия давлати сиёсий инқирозини тезлаштирди. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ерларини бирлаштирган қудратли Юнон-Бақтрия ўрнида Диодот, Евтидем ва Евкратид авлодларидан бўлган ҳокимлар ўз вилоятларида тангалар зарб қилишни йўлга қўйди. Милоддан аввалги II асрнинг ярида Бақтрия ва Сугдиёнада Антимак ҳукмронлик қилди ва ўз номидан тангалар зарб қила бошлади. У тангаларда ўзини “Теос”, яъни “Худо” деб қайд қилган. Бу билан Антимак аҳоли орасида ўз номини илоҳийлаштиришга ҳаракат қилган. Юнон-ҳинд шоҳлари орасида шоҳ Менадр алоҳида шуҳрат қозонган.



Милоддан аввалги II асрнинг учинчи чорагида Юнон-Бақтрия ва Парфия давлатларининг шарқий худудларига Марказий Осиёда яшаган кўчманчи қабилалар ҳужуми хавфи кўчаиди. Юнон-Рим тарихчилари уларни умумий скифлар номи билан еки сақлар, скараваки, тохарлар деб қайд қилган. Юнон-Бақтрия шоҳлари Ҳиндикуш ортидаги ерларни забт этиш, ўзаро урушлар оқибатида кучсизлангани сабабли бу кўчманчи қабилалар таъйиқига қаттиқ қаршилик кўрсата олмади. Милоддан аввалги 128 йилда Дунхуандан Бақтрияга келган хитойлик сайёҳ-дипломат Чжан Сян Бақтрия юечжи-катта юечжи кўчманчилар томонидан забт этилганини қайд қилган.



### Бақтрия шаҳарлари ва шаҳарсозлиги

Македониялик Александр юришлари давомида Бақтрия ва Сугдиёнанинг ҳунармандлик марказлари бўлган кўплаб шаҳарлар виёронага айланган эди. Александр вафотидан кейин шарқдаги ўлкалар, жумладан, Бақтрия ва Сугдиёна савалкийлар давлати тасарруфига ўтди. Савалкийлар даврида юзага келган сиёсий барқарорлик бу ўлкалардаги кўплаб шаҳарларнинг иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқлардаги ҳаёт аста-секин изига туша бошлади ва тараққий этди. Бу жараён Юнон-Бақтрия даврида сифат ва мазмун жиҳатидан

янги босқичга кўтарилди. Эски шаҳарлар тез суръатлар билан ривожланди, кўплаб янги шаҳарларга асос солинди, уларнинг иқтисодий салоҳияти ошди. Юнон-Бақтрия подшоҳлиги даврида Бақтрияда иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тез суръатлар билан ривожланди, тараққийнинг янги босқичига кўтарилди. Юстин Диодотта “Бақтриянинг мингта шаҳри ҳукмдори” деб таъриф берган бўлса, Страбон “Евкратидга мингта шаҳар бўйсунган”, деб ёзади.

Ёзма манбаларда Бақтрияда янги шаҳарларга ҳам асос солингани тўғрисида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Евкратидеда шаҳри барпо этилган. Бақтриядаги энг йирик шаҳарлардан бири давлат пойтахти Зариспа-Бақтр бўлиб, у Афғонистоннинг Балх шаҳри ўрнида жойлашган. Шаҳар мудофаа иншоотларининг мустаҳкамлиги сабаб Антиох III уни 2 йил қамал қилиб, иш-ғол эта олмаган ва Евтидем билан сулҳ тузишга мажбур бўлган.

Юнон-Бақтрия даврида асос солинган йирик шаҳарлардан яна бири Ойхоним ёдгорлигидир. Бу ёдгорлик Афғонистоннинг шимоли-шарқий худудда, Кўкча дарёсининг Панж дарёсига қуйилган ерида жойлашган. Шаҳарнинг тарҳи



учбурчак кўринишида бўлиб, унинг энг узун жойи 2000 метрга яқин.

Шаҳар икки — юқори ва қуйи шаҳардан иборат бўлиб, мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган. Ойхоним элдин дунёсига хос бўлган ҳақиқий полис-шаҳардир. Шаҳардаги бинолар тизимли жойлаштирилган. Қуйи шаҳардаги шохкўчанинг икки томонидан маҳобатли устун ва айвонлар билан безатилган жамоат бинолари жой олган. Бу ерда шаҳар аҳолиси учун ибодатхона, гимназия ва бошқа маҳобатли бинолар қад кўтариб турган.

Юнон-Бақтрия даврига онд қатор ёдгорликлар Сурхондарё вилоятида ҳам аниқланган. Холчаён, Далварзиптепа, Қадимги Термиз, Кампиртепа, Жондаваттепа, Хайитобдтепа, Талашкенттепа ва Узундара каби археологик обидалар шулар жумласидан. Жондаваттепа ва Хайитобдтепадаги археологик тадқиқот натижаларига қараганда, бу шаҳарларга аҳолийлар даврида асос солинган бўлиб, македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари вақтида қисман вайрон этилган. Юнон-Бақтрия даврида эса қайта тикланган, ҳаёт тез суръатлар билан ривожланган ва улар муайян кичик деҳқончилик воҳалари марказларига айланган.

### Деҳқончилик ва ҳунармандчилик

Бақтриянинг табиий географик ўрни, бой ҳайвонот дунёси ва серунум тупроқлари қадимдан инсонлар эътиборини ўзига қаратган. Шунинг учун бўлса керак, Страбон Алподорнинг сўзига асосланиб, “Бақтрия бутун Аринанинг кўриқдур”, деб қайд қилган. Ўлжанинг ўртасидан шарқдан шимоли-гарбий томонга Амударё — Окс оқиб ўтган. Ўлжанинг жанубий қисмида жойлашган Ҳиндикуш ва шимолдаги Ҳисор тоғларидан оқиб келаётган қатор катта-кичик дарё ва сойлар деҳқончилик билан шуғулланишга қулай имконият яратган. Аҳоли турли-туман деҳқончилик маҳсулотлари етиштирган. Деҳқоннинг қуйидаги сўзларини қайд қилиш зарур: “Бақтрия зайтун ёғидан ташқари барча маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Мамлакат ерларининг серҳосиллиги сабаб Бақтрияни кўзголонга қачирган юнонлар шундай қудратга эга бўлдиларки...”.

Бақтрияликлар бошоқли ўсимликлар етиштиришга кўпроқ эътибор қаратган. Улар бугдой, арпа, суви ва шони каби маҳсулотлар етиштирган. Плинийнинг ёзишича, “Бақтрияда бугдой доллари шундай йирикки, бизнинг бошоқларга тенг”.

Аҳоли деҳқончилик билан бир қаторда богдорчилик билан ҳам шуғулланган. Улар кўпроқ узумнинг турли навларини етиштирган.

Бақтрия аҳолисининг иқтисодий ҳаётида чорвачилик катта ўрин эгаллаган. Улар қўй, эчки, сиғир ва туялар боққан. Бақтриянинг икки ўрқачли туялари қадимда ҳам, ҳозир ҳам эъзозланади.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг ўрни янада юксалди. Қурилиш, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик ва заргарлик соҳалари тез суръатлар билан ривожланди. Чунки шаҳар аҳолисининг бу соҳалар маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи катта эди.

Шаҳар бозорларида маҳаллий ҳунармандларнинг маҳсулотлари билан бир қаторда юнон-македонлар тайёрлаган маҳсулотларини харид қилиш мумкин бўлган. Бунда маҳаллий ва элдин маданиятининг ўзаро бир-бирига таъсирини кузатиш мумкин эди. Бунга мисол қилиб кулолчилик соҳасини келтириш мумкин. Айнан шу соҳада маҳаллий ва элдин маданиятларининг ўзаро уйғунлашуви натижасида бу ерда сопол идишларнинг ўзига хос шакллари пайдо бўлди.

### Ички ва ташқи савдо

Юнон-Бақтрия даврида Бақтрия ва Сугдиёнада товар-пул муносабатлари савалкийлар даврига қараганда янада кенг ривожланган. Бақтрия ҳамда Сугдиёнанинг шаҳар ва қишлоқларида Юнон-Бақтрия шоҳлари томонидан зарб қилинган тангаларнинг кўплаб топиллиши бунинг ёрқин далили. Ҳатто Бухоро вилояти ва Қашқадарёнинг Китоб шаҳри яқинида Юнон-Бақтрия шоҳлари тангаларидан иборат хазиналар топилган. Бу тангалар, асосан, юнон-ларнинг антик олтин бирлиги стандартларига асосланган ва у 8 грамм олтинни ташкил этган. Бозорда, асосан, турли қийматдаги қумуш ва мис тангалар муомалада бўлган. Диодот ва Евтидем тангаларида “Шоҳ Диодот” ва “Шоҳ Евтидем”, деб ёзилган бўлса, Евкратид тангаларида “Буюк шоҳ Евкратид”, дея қайд қилинган.

Юнон-Бақтрия даврида ташқи савдо жадал ривожланган. Бунда қатта худудларнинг бир давлат таркибига киргани алоҳида аҳамият касб этган. Буни Ҳиндистон мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ҳиндистоннинг катта худуди Юнон-Бақтрия таркибига қўшиб олиниши нафақат бу икки ўлка орасидаги савдо муносабатларини, балки халқаро буюк ҳинд йўли янада узвийлашувига сабаб бўлган.

Бақтрия ва Сугдиёнада маданият ва санъат тез суръатлар билан ривожланган, ушбу масканлар маданияти ўзига хослиги ва илдизлари билан қадимги даврларга бориб тақалиши аниқланди. Юнон-Бақтрия даврида Бақтрия қадимги дунёнинг йирик маданий марказларидан бири бўлгани сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотларда ўз тасдиқини топмоқда. Бу борада Кампиртепа, Қадимги Термиз, Халчаён, Ойхоним, Тахтисангин, Узундара ва бошқа ёдгорликлардан топилган тошдан, лой-ғанчдан ишланган маҳобатли ҳайкаллар, рангли сюжетли деворий суратлар, мейморлик безаклари алоҳида ўрин эгаллайди. Улар ишланши услублари, ўзига хослиги, таъсирчанлиги, бетакорлиги билан ажралиб туради. Топилган ҳайкалларнинг бирини элдин дунёси аъёнлари ёрқин ифодасини топган бўлса, бошқаларида маҳаллий Бақтрия аъёнлари, яна бир қисм ҳайкалларда ҳинд-ганҷлар маданияти аъёнлари таъсирини кузатиш мумкин. Ҳайкалларда Юнонистон, маҳаллий маъбуд ва маъбудлар, шоҳлар ва саркардалар образлари тасвирланган.

Санъатнинг бекиёс ривожлангани Юнон-Бақтрия шоҳлари томонидан зарб қилинган тангалар мисолида ҳам кўрса бўлади. Қадимги зарбчилар тангаларнинг кичик доирасида ҳар бир шохнинг нафақат ташқи қеёфасини аниқ ифода эта олган, балки ҳар бирининг ички дунёси ва феълини очиб беришга ҳам муваффақ бўлган.

Бақтрия ва Сугдиёнада юнон-бақтрия даврида маданият ҳамда санъат ривож топганини ҳатто кундалик эҳтиёж моллари ҳисобланган кулолчилик маҳсулотлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу даврда тайёрланган сопол идишлар юқори сифати ва шакли билан ажралиб туради. Кулоллар идишларга бежирим шакл бериб, уларни амалий санъат асарига қўшган бўлган.

Шокирхон ПИДАЕВ,  
ЎзФА Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари номзоди



# МАҚОМНИ НЕГА ЎРГАНИШИМИЗ КЕРАК?

## ОҲАНГЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН ЎЗЛИГИМИЗ СИРИ

— Сойибжон ака, бир сафар мақом ҳақида фикр билдириб, “Аслида, асоси мақомга қурилган ҳар қандай кўшиқда миллий руҳ дара бўлади. Шунинг учун юртимизда мустақиллик ўрнатилган миллий мақомнинг, жаҳидларнинг илҳами бўлган уриш баробарида халқимизни яхши кўриб тинлаган мусиқаси — мақомларидан ҳам айирган”, деган эдингиз. Демак, мақом бевосита ўзлимизни англашимиз учун хизмат қилади, шундайми?

— Ҳа, мақомлар — ўзбек халқи маънавий дунёсининг оҳангларида муҳим ўрнни эгаллашган тарихий ҳақиқат бўлади. Буюк халқнинг тарихи ҳам буюк бўлади. Асрлар оша бизгача етиб келган тарихий обидалар каби мақомларимиз халқимизнинг буюк маънавий дунёсини оҳангларида акс

Миллий мақомларимиз ҳақида гап кетганда, унинг бебаҳо маданий бойлик эканини таъкидлашимиз. Ҳеч шубҳасиз, шундай. Аммо унинг асл баҳоси нимада? Мақомнинг қандай сири борки, асрлар оша яшаб келяпти? Янги Ўзбекистонда халқимиз, хусусан, ёшларга ўзлигини англаштириш учун мақомларимиз кенг тарғиб этилмоқда. Бунинг замирида қандай ҳаётий ҳақиқатлар бор? Бу каби саволларга жавоб топиш учун Ўзбек миллий мақом санъати маркази директори ўринбосари Сойибжон Бегматовга ўзландик.

лаҳн (куй), тарона, қавл, амал (иш), кор (иш), нақш, пешрав (олдинга бориш), савт (садо, овоз) каби мумтоз жанрлар кўринишида шаклланиб, ривожланган. Агар булардаги маънолар тизимига назар солсангиз, инсониятнинг тараққиёт йўли акс этганини



ёш авлодга ўзликни англаштириш йўлидаги саз-характерлардир!

Зеро, мақом тинглаб улғайган ҳар бир инсоннинг ватанига, оиласига, ҳаётга муносабати мақомдай банд, маънавияти буюклик ҳисси билан бойиди. Мақомни тинглаганда инсон оламни идрок қилади. У билан қадрлай олиш кўникимлари шаклланиди. Шу маънода, ёшларимиз қалби буюк ва сеҳрли садолар билан сугорилиши, бу йўлда чин дилдан ижод қилишлари имкониятлар яратиб бериляпти. Чунки, мақомларни ижро этиш учун улар устозлардан олган пухта билими, ўтмиш аналари билан сугорилган гўзал ижролари, халқимизнинг энг нафислири сирли дунёсини кўрсата оладиган талқинга эга бўлиши лозим. Буни халқимиз азалдан ижрочилик санъатида кўлаб келди. Қайси тарихий асар, рисолаю манбаларни, достону романларни ўқимиз, албатта, ўз даврининг буюк соҳибдони, хонанда, бастакору мусиқашунослари номи ва улар қолдирган мерос ҳақидаги маълумотларни урғутасиз. Чунки улар доимо халқ билан бирга одамларнинг ҳаётини куйлаб, маънавиятини улуғлаб келган.

Навойи бобомиз “Маҳабб ул-қулуб” асарига мақомлар бизга нима учун керак, деган саволинигизга жуда чиройли жавоб баён этган. Яъни Навоий таърифида, **кўнгли хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади.** Мақом энг мукаммал, мураккаб, мусалло, пурмаъно ҳамда улкан баъдий ва эстетик имкониятларга эга бўлган мусиқий жанрларнинг гулгоҳидир. Дунё эса доимо мукамаллик сари шажам қадам ташлаётгандек. Ҳар бир замон ва унинг маконида бундай жараёни кўриш мумкин. Агар замон ва мақом ўз “мақом”ида ривож топган бўлса, у халқ ўз буюкликни сақлаб қолади. Лекин замон ҳар доим

ташқи кучлар, маданиятлар таъсирида бўлиши бегумон. Мақом эса халқимиз қадриятини, маънавиятини, меросини кўрсатиб турадиган мусиқий қомус сифатида ҳар қандай таъсирдан асрайди ва қадриятни сақлаган ҳолда замон руҳига мос ижод учун хизмат қилади. Шунингдек, мақом оҳанглари порлоқ истиқбол сари етаклайдиган маънавий озуқадир. Агар инсон мумтоз мусиқа тинлашни ўрганса, мақомнинг сирли ва улкан кучидан баҳра олишни ҳам ўрганади.

— Мақом кўшиқларининг ўзинга хос ўрни, манзил-мақоми борлиги ҳақида эшитамиз. Мақомни тинглаш учун алоҳида тайёргарлик, кайфият керак бўлади. Мақом кўшиқларининг қайсиларини қай вақтда тинлаш кераклиги борасида жуда кўп ўрганишлар олиб борилаётганидан мақсад ҳам шу, аслида. Шундай эмасми?

— Саволингиз жуда ўринли. Сабоби мақомлар оҳанглари кўринишида инсониятга етакчилик қилади. Оҳанглари тинглаб баҳра олишда, мақомлар 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонларга монанд яратилган. Ҳар бир нуқта, такти, мавзуси, ривож, охир-оқибат таркибий тузилиши ўйланган, ўлчанган ва мейёрларга асослаб яратилган. Шу боис, мақом илмдир. Уни ижро этиш учун билими устоз кўрган соҳибдан ва хонанда бўлиш керак. Олти мақомни олти дунё, олти мавзу, олти ҳолат, олти образ деб тасаввур этиш мумкин. Масалан, “Бузуқ” мақоми буюклик, қудратлик мақоми бўлиб, инсониятда улғуворлик ҳисси, қудратнинг шаклланиши учун хизмат қилади. У инсон қалбига шижоат, ташаббускорлик руҳини уйғотади.

“Рост” мақоми — тўғри йўл. Истасангиз, истасангиз, сизни ростлик йўлига бошлаб, яхши маънодаги “рамка”га солади.

“Наво” — эркинликдир. У том маънода ўзбекининг навоси! У руҳингизни кўкларда парвоз эттиради.

“Дугоҳ” — иккилик. Дунё ўзи иккиликка — ошиқ ва машуққа асосланган. У ишқ мақоми, муҳаббат навосидир! “Дугоҳ”ни эшитган инсон қалбига муҳаббат жўш уради. Инсон ҳар қандай ҳолатда, ишда муҳаббат билан ҳаракат қилиши керак. Масалан, сизга ёқмаган амални бажармайсиз. Кўнглингиз хушламаган киши билан кўришиш, суҳбатлашни истамайсиз. “Дугоҳ” инсонларни севишга, муҳаббат билан яшашга, доимо кўтаринки кайфиятда бўлишга ундайди. Ҳар қандай ҳолатда “Дугоҳ”ни эшитганингизда қалбингизда муҳаббат жўш уради.

“Сеғоҳ” — учинчи нуқта, ҳижрон. Ҳаёлга чўмдирадиган, олис хотираларни уйғотадиган ва куч берадиган мусиқа. Шу маънода, бу айрилиқ эмас, хотира, эслаш демак. Чунки “Сеғоҳ” мақом оҳангига эслаш, излаш изҳоридир. У бизни учинчи нуқтани эслашга ундайди. Зеро, халқимиз ўзинга яқин инсонларни эслаб, қадрлаб яшайди. “Сеғоҳ” бунинг ёрқин намунаси.

“Ирок” — хайр, айрилиқ мақоми. Инсон руҳи гоҳида мана шундай бир оз маҳзун куйга ҳам эҳтиёж сезади. Қайсидир маънода дил изҳорини куй сеҳри ила ифода этилгани боис, ўзинга куч, қувват олади.

Умман, ҳар бир мақомнинг ижро этиш керак бўлган вақти, жойи, ўз мақоми бор. Бу борада турли тарихий манбаларда бир-бириндан фарқли фикрлар келади. Хусусан, Навоий бобомиз даврида яшаб ижод қилган Нағмиддин Кавказий мақомларни қайси

пайта тинглаш кераклиги хусусида “Мусиқалар баёни: 12 мақом” деган мусиқий рисола ёзган. Унда муаллиф илмий асосланган фикрларини ҳам назмий, ҳам насрий шаклда баён этган. Масалан, “Ушшоқ”ни икки намоз ўртасида тингласангиз, ўзингиз яхши кўрган инсонлар дийдоридан баҳраманд бўласиз, деган фикр бор. Эътибор берсангиз, наҳорги ошда ҳофизлар “Ушшоқ”ни, “Қаро кўзим”, “Кўқон ушшоғи”, “Самарқанд ушшоғи”ни айтади. Ваҳоланки, уларга ҳеч ким бу кўшиқларнинг илмий асослари ҳақида айтмаган. Лекин беихтиёр шундай йўл тутади. Фикримча, мақом тарихотида мазкур жиҳатларни ҳисобга олиб, уларни мавриди билан, ўз ўрнида эфирга узатиш мақсада мувофиқ.

— Мақомлар киши руҳияти ва соғлиғига қандай таъсир этади?

— Юқорида Навоий бобомиздан иқтибос келтирдик: “Кўнгли хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади”. Инсонда ҳаётини бошқарадиган ва доимо йўл кўрсатиб, куч бағишлайдиган уснурлар мавжуд. Буларнинг бири мустоқ каби улкан, соч толаси каби нозик бўлган кўнглидир. Иккинчиси инсон жисмининг иккинчи бўлаги бўлган руҳиятидир. Инсон руҳан тетик бўлсагина, ҳар қандай амалнинг улдасидан чиқишига ишончи мустаҳкам бўлади. Муножат Йўлчиева “Қаро кўзим”ни ижро этганида, бир франциялик бемор ўзини яхши ҳис қилган. У бу кўшиқни қайта-қайта тинглаб, шифо топган. Чунки Муножат Йўлчиева авжини жон-жаҳди билан, гўёки халққумда айтди. “Навоийнинг қизи” дея ҳурмат топишида ҳам унинг авж пардаси муҳим омил бўлган. Маҳмуджон Тожибоев мақом айтганида, уни қуршаб олган сайёҳлардан бири “Тушунтириб беринг, нега мен йилмаяман?” деган экан. Бу фактлар мақомнинг даволочи хусусиятига далил бўлади, менимча. Мақом айтгучининг овозида мунг, шира бўлса, тинловчи баҳра олади, руҳ тозаравиради. Ҳозир бир оғиз гап билан фалон мақом бу хасталикка, унис пистон касалликка даво дейиш қийин. Чунки бу жуда катта илмий изланишни, аждодаларимиздан қолган турфа фикрлар эса бахсларни талаб этади. Аммо битта ўзгармас ҳақиқат бор — биз халқимизнинг бебаҳо мусиқий мероси бўлган мақомларни тинглаб, руҳиятимизни тозалаб юришимиз керак. Мақом — руҳ шифоси! Забардаст мақом намуналарининг қудратли оҳанглари билан завқланиб яшайлик, сеҳрли садоларининг бебадд имкониятларидан баҳраманд бўлайлик.

Мусиқанинг инсон соғлиғига таъсири ҳақида халқ ижодиётида жуда кўп мисоллар мавжуд. Мусиқа инсонни қай даражада улғуворликка етаклаши мумкин бўлса, руҳиятига шу даражада салбий таъсир этиш қудратига ҳам эгадир. Шу боис, умумбаъларият мусиқа ижодкорлари доимо гўзал аъёнларини ўзини муҳасаммаз этган қадриятларни, улғуворлик, баҳоқирлик, одамийлик, инсонпарварлик, ватанга муҳаббат каби туйғуларни илһоқо этакдан оҳангларида асарлар яратишга уринади. Зеро, ундан инсоният баҳра олиши, мусиқа уларнинг ҳаётига гўзал онлар, улкан умидлар ҳақида этсин.

\*\*\*

Суҳбатимиз якунида шунга яна бир бор аниқлаб етдикки, руҳимизга мусиқа терапияси зарур. Зеро, шундай инсонлар борки, у билан ўзини тетик, руҳан энгил қилади. Айниқса, ота-боболаримиз юрагига шижоат, билалга қувват берган мақом мусиқа терапиясининг энг кучли воситасидир. Шундай экан, уларни авайлаб ишлатишимиз, келгуси авлодларга ҳам еткази олишимиз керак.

Муножат МҶМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



этирган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган мусиқий меросдир.

Бутун дунё олимлари ўзбек халқи ўтмишини ҳалигача ўрганади. Умумбаъларият цивилизациясига бетакор олимларни, оламшумул саркардаларни, соҳибқиронларни, улғувор иншоотларни ҳақида этган халқнинг сирли оламни, маънавиятини, тафаккур сирларини ҳалигача идрок этишга уринади. Мақомлар ҳам ана шундай буюк мерос, уларда халқимизнинг маънавий дунёси муҳасаммаз.

Дунёнинг энг буюк тарихга эга 12 та мамлакатда мақом жанри тарқалган. Мақомлар бундай ҳолатга келгуча **хусравоний** (буюк), **роҳ** (йўл), **парда** (ўрин, жой), **нағма**,

кўрасиз. Мусиқий тафаккурнинг мумтозлик мақомига эришиши жараёнидаги ҳар бир жанр ўзинга хослиги ва бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эгаллиги билан аҳамиятлидир. Мақом сўзининг ўзи “жой”, “мақом”, “ўрин”, “товушқатор”, “парда”, “жанр”, “ҳўлат”, “ҳаракат” каби 20 дан ортқ маъно кесимида келади. Шу боис, **мақомот** мумтоз мусиқанинг энг мукаммал ва мураккаб жанри сифатида қарор топган.

Президентимизнинг мумтоз санъатимиз, хусусан, мақомга бераётган мислсиз эътибори замирида ҳам халқимизнинг ўтмиши буюк экани, келажаги ҳам шундай буюк бўлишини англаштириш мақсади бор. Яъни бу ислохотлар

# “БОЛАНИНГ ШҶХ БҶЛГАНИ ЯХШИ-ДА...”

Кўшним билан маҳалла идорасига йиғилишга кетаётганимизда йўл-йўлакай уч-тўрт ёш-яланг кулиб, баланд овозда гаплашиб кетарди. Бир қарасангиз, гўё ҳазиллашаётгандай, лекин жуда кўпол сўзлар. Назаримда, уларнинг ўзи ҳам нима деяётганини тўлиқ англамайди, шекилли.

## Фельетон

— Булар ўзларини ақлли, замонавий, кўп нарсани биладиган этиб кўрсатиш учун шунақа сўзларни ишлатиши одатий ҳол бўлиб қолди ми дейман-да, — ўзинча изоҳ берди кўшним. — Олифтарғарчиликнинг бир кўриниши.

Улар маҳалламиз бўлаларими-йўқми, билмадим. Шундай бўлса ҳам:

— Бир болага етти маҳалла ота-она, танбех бериб қўйилдики? — дедим. Аммо кўшним: “Майлику-я, лекин улар маҳалла туғул, ота-оналарига ҳам қўлоқ тутмайдиган кўринад” дегач, индамай қўя қолдим.

Мажлислар залига ўн беш-йигирма чоғли одам тўпнаган бўлган экан. Маҳалла раиси бугунги ёшлар, хусусан, фарзандларимиз таълим-тарбиясида кузатилаётган салбий жиҳатлар ҳақида кўйини сўз бошлади. Муомаласи, юриш-туришлари, кийинишлари бутунлай ўзгариб кетаётгани, ёш оилаларнинг ажралишлари хусусида кўп аччиқ гаплар айтилди.

Шу пайт эшик очилди, бугунги ҳаётининг ярми хориздан турли атир-упа, кийим-кечак келтириб сотишу сайру саёҳат билан ўтаётган жувон мўралади.

— Ассалому алайкум, кўшнилари, яхшимиз-сиз, Шодивой ака, — дея маҳалла раисига алоҳида илтифот кўрсатиб жимлайди. — Қимматли вақтларингизни олаётганим учун узр, албатта.

Соат бирга уйимизга барчангизни таклиф этгани келдим, кенжатоимизнинг туғилган кунига. Алоҳида уйма-уй кириб айтолмаганим учун хафа бўлмайсизлар. Баҳондан Дубайдан олиб келган зўр нарсаларимни кўриб кетасизлар. Кўшниларга арзон нарҳда, — деди таннозлик билан қўлидаги тилла узугини уйнатди.

— Кириш, ўтиринг, мажлисда қатнашингиз ҳам вақтингиз бўлса, — деди раис истеҳзо билан. Жувон бу кинояни англамади.

— Йўқ, раҳмат. Ҳали боришганда айтиб беришар нима ҳақиқатлигини. Кенжатоий уйда бир ўзи қолган. Меҳмонлар келса-ю, унинг ўзи бўлмаса, сизларга ҳурматсизлик бўлмасин тагин деб мактабга атайлаб юбормагандим. Утинглари, кутами. Ходимларни ҳам айтaverинг; биласизлар, жой бемалол.

Назарида ҳаммасини жуда маданиятли тарзда бажарганига ишончи қомил бўлган жувонга ҳамма унинг ортидан ҳавас билан қараб қолгандек туюлди.

— Хўш, қаерда қолдик, нимага келгандик? — савол назари билан юзланди маҳалла раиси тўпланганларга. — Фаолроқ, ўртоқлар, фикр, таклифлар беринглари. Болалар ҳозир нималар салбий таъсир кўрсаяпти? Уларга тарбия беришга эътиборимиз сусайиб кетмайтими?



— Ҳаммасига телефон айбдор, дарс қилиш ўрнига ярим тунгача шу матоҳчи титқилас билан банд. Сўрасангиз, телефон орқали дарс қилишган дейди, — зорланди юзига мианшат нуқси урган ёшгина жувон. — Ҳамма нарсани билан таъминлаб қўйган бўлсак. Менимча, мактабда яхши тарбия беришмапти, шекилли...

— Кларахон, гап моддий таъминот ҳақида эмас, болаларимизнинг тарбияси,

маънавияти ҳақида борапти. Қолаверса, тарбия, аввало, оиладан бошланганини наҳотки билмасангиз...

— Тўғри, оиладан бошланади. Лекин олдин иқтисод, кейин сибсат, дейилади. Ҳамма яхши нарсани болаларга, деган принципга амал қилиб, аввало, уларга энг янги чиққан нарсаларини олиб берамиз. Ўқийшга келсак, ўғлим имкон қадар чуқур билим олишни

хоҳлагани учун мактаб ва ўқувчилар ўртасидаги шартномага кўра, 5-сифда қайта ўқиш учун контрактини яна бир йилга узайтирибди.

Бу гапларга уч-тўрт киши кулиб юборди. Маҳалла раиси ҳам жувоннинг бу гаплари ҳазилчи-чинми, англай олмай сўради:

— Қанақа контракт? Ўзи сиз болаларингиз ўқийдиган мактабга борганми?

— Иш қўлигидан вақт ажратолмаяман. Ҳозир ҳамма жойда контракт, кредит деган нарсалар кўпайиб кетган-ку. Замон жуда тез ўзгараяпти, булар мактабларда ҳам бўлса керак-да, ўғлим шунақа деди. Яъни ўз ихтиёри билан билимини мустаҳкамламоқчи, менимча.

— Аслида, мактабда ўзингизни қайта ўқитиш учун сиз билан шартнома тузиш керак, шекилли.

— Вой, ман мактабда ўқинганман, бюджетда ўқинганман!

— Тушунарли, маҳалладошлар, масалага жиддийроқ қарайлик.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъшилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.

37346 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов

Мусахҳиз: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:05 Тошрирди — 22:45

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.